

## БҮЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРНИ УМУМИЛМИЙ ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Норбоева Малохат Худойбердиевна  
ТДИУ ўқитувчisi

### АННОТАЦИЯ

Уибү мақолада бўлажак иқтисодчиларни умумилмий лексик компетенцияларини такомиллаштириши, тил нормаси нутқ маданияти масаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тил назарияси муоммолари қаторида мустаҳкам ўрин олган ҳолда, талабалар асосан тўгрини нотўғридан ажратса билиши, иқтисодчи талабаларни хорижий тилларда сўзларни бемалол қўллай олишлардан каби вазифаларни қўяди.

**Калим сўзлар:** бўлажак иқтисодчилар, нутқ маданияти, миллий тил нормалар, лексик компетенциялари, эквавалент.

### ABSTRACT

In this article, improving general lexical competence of future economists, the language norm is closely related to the issue of speech culture, and taking a strong place among the problems of language theory, students are mainly able to distinguish right from wrong, and economic students are able to use words in foreign languages easily.

**Key words:** future economists, speech culture, national language norms, lexical competences, equivalent.

### КИРИШ

Одатда барча бўлажак иқтисодчиларни умумилмий лексик компетенцияларини такомиллаштириш нормаси ёшлиқдан ўрганилган, одатланилган воситалар норма сифатида қабул қилинади. Бинобарин, ҳар бир диалект соҳиблари ҳам ўзларининг нутқларини энг тўғри ҳисоблаганлари ҳолда, бошқа диалектларда гапирувчиларни ҳатто адабий нутқда сўзловчиларни ҳам тил нормасини бузгаётганликда айблайдилар. Аммо ҳаммабоп умумхалқ тили нутқининг адабий формаси бўлиб, бу формани эгаллашнинг асосий шарти тилнинг адабий нормаларини ўзлаштириб олишдир. Сўзловчи адабий тил нормаларини нутқига сингдириб олар экан, ҳамиша унинг бузилишига қарashi онгли равишда курашади ва ўз кундалик ҳаёти ва

фаолиятида ундан иложи борича унумли фойдаланишга, энг нозик ва ранг-баранг маъно оттенкаларини ҳам тўғри ва силлиқ ифода этишга ҳаракат қилади.

Баён этилган фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир миллий тил нормалар йифиндисидан таркиб топган экан, фикрнинг табиий ёки ғайри табиий ифода этилиши булажак иқтисодчи талабаларнинг ана шу нормаларга қай даражада риоя қилишига боғлиқ бўлиб, бу масала асосан қўйидагича хulosаларга келиш имкониятини беради:

1. Баъзан таржимонлар иқтисодий терминларни оригиналдаги бирликларнинг ясалишлари ва компонентларининг ўзаро биришишларини, жумлаларнинг қурилишлари ва сўз тартибларини ўзича сақлаб қолиш йўли билан таржима тили учун ёт бўлган шаклларни ҳосил қиласидар. Бу ҳол ифоданинг ғайри табиий жаранглашига, ҳатто кўп ҳолларда кўзда тутган лексик фикрнинг талабаларга етиб бормай қолишига ҳам олиб келади. Чунки ҳар бир бирлик ўзининг норма сифатида қабул қилинган шаклида маълум маъно ва стилистик функция ифодаси учун хизмат қиласидар.

2. Маълум маъно ва стилистик функция турли тилларда қатор ҳолларда турлиса семантикали компонентлар бирикувидан ҳосил бўлган иқтисодий бирликлар воситасида ифода этилар экан, амалий машғулот жараёнида ҳар қайси тилда норма сифатида қабул қилинган компонентлар уюшмасини назарда тутишга функционал уйғунликни юзага келтириши мумкин.

3. Жонли адабий нутқ нормаси сифатида қараладиган иқтисод принципининг бирликлар таркибларида бузилиши стил ғализлигига олиб келади.

4. У ёки бу предметни аташда ҳалқлар асосан шу предметнинг ҳар хил хусусиятларига асосланар эканлар, бу жараёнга ҳар қайси ҳалқнинг мустақил равища ёндашиши туфайли предмет номи турли тилларда турлиса семантикали сўзлардан ёки компонентлар бирикмасидан ташкил топган бўладики, таржима жараёнида айни жиҳатнинг ҳисобга олиш ишигина фикрнинг нормал баёнини таъмин этади.

5. Оригинал тилнинг ўзига хос нутқ штампларини таржима тилидаги муқобил варианлари билан алмаштирмасдан, уларнинг функцияларини сўзма-сўз таржима ёрдамида қайта тиклашга уриниш асосан ҳеч қандай самара бермайди. Чунки бу бирликлар назарда тутилган функцияларни ўз шакл ва лексик таркиблари воситасидагина ўттай олганлари ҳолда, бу шакл ва лексик таркиблар бошқа тилларда зарурий стилистик эффект яратади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Иқтисодий эквивалент бирликларни бир-бирлари билан билиб-билмай алмаштиравермасдан, уларнинг қамров имкониятларини, ихтисослашиш хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам фикрнинг адабий тил нрмаси доирасига баён этилишида аҳамияти катта.

Бўлажак иқтисодчиларни уму милмий лексик компетенцияларини такомиллаштириш усули воситасида ўгирилиши натижасида хорижий тилида пайдо бўлган бирликлар кўп ҳолларда тил нормасининг ҳазм даражасида жаранглаб, фикр баён қилишнинг зарурий воситалари сифатида тилнинг лугат таркибидан мустаҳкам ўрин олсалар, таржима тилида оригиналдаги фрезеологик бирликникига баъзи компонентлари ўхшамайдиган эквавалент воситанинг мавжудлиги бирликнинг моддий жиҳатдан аниқ таржимаси натижасида ҳосил бўлган бирикманинг табиий оҳанг касб этишига ҳалал беради: бирикма таржима тилидаги бирликнинг бузиб қўлланилган шаклига ўхшаб, қулоққа ғайри табиий эшитилади.

Бир-бирларидан таркибларида ўзлари мансуб бўлган халқлар турмуш тушунчаларини акс эттирадиган компонентлари мавжудлиги билан фарқ қиласидиган шакл тил эквавалент бирликларининг таржима жараёнида бирини иккинчиси орқали ўгиришда таржимонлар олдида асосан икки хил хавф кўндаланг бўлади:

Биринчидан, оригинал тили бирлиги компонентини таржима тили бирлиги компоненти орқали алмаштириш йўли билан асл нусхани миллийлаштириб қўйиш;

Иккинчидан, оригиналдаги компонентни ўзича қолдириб, автор кўзда тутган стилистик эфектнинг китобхонларга етиб боришини таъминлай олмаслиkdir. Бу мушкулотларни енгишнинг бирдан-бир шарти таржимонларнинг ўз масъулиятларига ижодий муносабатда бўлганлари ҳолда амалий фаолиятнинг адекват таржималар яратиш бобидаги ютуқларидан унумли фойдаланишлариdir.

## **ХУЛОСА**

Ўзлари мансуб бўлган халқлар тарихи, ҳар хил афсоналари, урф-одатлари, диний, сиёсий ва эстетик қарашлари асосида пайдо бўлган эквавалентларга эга бўлмаган тилларга моддий жиҳатдан аниқ таржима қилиш ижобий натижа бермайди: бирлик асосида ётган этимология таржима тили вакилларига

тушунарли бўлмаганлиги сабабли, ҳосил бўлган бирикма ортинал маъносини китобхонларга етказиб беришга ожизлик қиласди.

Бўлажак иқтисодчиларни умумилмий лексик компетенцияларини такомиллаштириш, мустақил ўрганиш жараёнини бошларидан кечиришлари, маълум маъно ва лексик функцияларнинг ифодаси учун қўлланиладиган турли тиллар фрезеологик бирликларнинг кўп ҳолларда турлича лексик таркиблардан иборат бўлиб қолишларига сабаб бўлар экан, бундай бирликларни бир тилдан иккинчи тилга мавжуд муқобил вариантлари ёрдамида ўгирмасдан, моддий жиҳатдан аниқ таржима қилиш камдан-кам ижобий натижа беради. Чунки ҳосил бўлган иқтисодий бирикмаларининг мантиқий-тарихий асосдан ҳоли бўлишлари, уларнинг назарда тутилган маъно ва функцияларни тил нормаси ҳазм қила олдиган даражада акс эттиришларига йўл қўймайди.

## REFERENCES

1. Abbasovna, S. M. (2020). The importance of listening and understanding in basic foreign language in higher education institutions. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(5), 1104-1111.
2. Mirqosimova, X. M., & Avlaev, O. U. (2021). THE INTELLECTUAL DYNAMICS OF ADOLESCENTS. *Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka*, 1(2).
3. Avlaev, O. U. (2020). The role of social intelligence in personal development. *JournalNX*, 692-698.
4. Djuraeva, S. N. (2018). Specificity and Features of Application Modern Innovative Technologies Training to Higher Education. *Eastern European Scientific Journal*, 4, 136-139.
5. Abdullayeva, M. R. (2021). Fe’liy frazemalarni o ‘zbek tilidagi muqobil varianti guruhlanishi (agata kristi asarlari tarjimalari misolida). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(8), 227-231.
6. Nutfulloyevna, Z. U. (2022). DUNYO TILSHUNOSLIGIDA O ‘QUV LUG ‘ATI TERMININING PAYDO BO ‘LISHI. *Conferencea*, 99-107.
7. Saidova, M. A. (2021). DEVELOPMENT OF STUDENTS'ORAL SPEECH IN GERMAN LANGUAGE WITH THE HELP OF PREZI PROGRAM. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 75-79.
8. Akramxodjaeva, D., Nasretdinova, M., & Abdullayeva, M. (2020). Translation of national events and concepts in fiction. *International Journal of Scientific and Technology Research*, 9(2), 2984-2986.

- 
9. Abbasovna, S. M. (2022). DETERMINE PRAGMATIC COMPETENCE BY LISTENING IN PRACTICAL SESSIONS. *Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences*, 1(6), 139-142.
  10. Абдуллаева, М. (2022). Инглиз-ўзбек бадиий таржималарида муқобил варианти шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. *Переводоведение: проблемы, решения и перспективы*, (1), 78-81.